58-боб. Қайси бирига ҳадя берай?

Image not found or type unknown



16:05 / 04.09.2019 2667

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ، إِنَّ لِي جَارَيْنِ، فَإِلَى أَيِّهِمَا أُهْدِي؟ قَالَ: «إِلَى أَقْرَبِهِمَا مِنْكِ بَابًا».

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менинг иккита қўшним бор, улардан қайси бирига ҳадя берай?» дедим.

«Сенга эшиги яқинроғига», дедилар».

Шарҳ: Демак, қўни-қўшнига яхшилик қилишда, ҳадя беришда эшиги яқинроқ бўлган қўшнидан бошлаш керак экан. Агар бир қўшнини ташлаб, ундан кейингисига ҳадя берилса, ўртадаги қўшнининг кўнглига «Мени ёмон кўрса керак, бўлмаса ён қўшни бўлиб туриб шунақа қиладими?» деган шубҳа тушади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Муомала маданиятига оид тафсилотларни биладиганлардан сўраб, ўрганиш лозимлиги.

2. Қўшниларга ҳадя бериш яхши иш экани.

3. Қўшниларга ҳадя беришни эшиги яқинидан бошлаш кераклиги.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ، إِنَّ لِي جَارَيْنِ، فَإِلَى أَيِّهِمَا أُهْدِي؟ قَالَ: «إِلَى أَقْرَبِهِمَا مِنْكِ بَابًا».

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менинг иккита қўшним бор, қайси бирига ҳадя берай?» дедим.

«Сенга эшиги яқинроғига», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган аввалги ҳадиснинг айнан ўзи. Аммо ровийлари бошқа бўлгани сабабли имом Бухорий уни таъкид маъносида ушбу бобга киритганлар.

«Одоблар хазинаси» китобидан